



## THE ROLE OF INFORMATION SUPPORT IN THE STRATEGIC PLANNING OF TOURISM DESTINATIONS

**Z.O. Rakhimov**

*Associate Professor*

*Samarkand Institute of Economics and Service  
Samarkand, Uzbekistan*

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** tourism, tourist destination, strategic planning, information, information support, monitoring, system, problems.

**Received:** 02.06.22

**Accepted:** 04.06.22

**Published:** 06.06.22

**Abstract:** The article considers that one of the important areas that must be taken into account in the development and implementation of strategic planning of tourist destinations is the information support of the strategic planning system in tourism. It was also revealed that another important issue that should be given the most attention in the process of planning the tourist development of the city is the need to develop scientific and methodological support.

## **ТУРИЗМ ДЕСТИНАЦИЯЛАРИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ АҲАМИЯТИ**

**З.О. Рахимов**

*Доцент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
Самарқанд, Ўзбекистон*

### **МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** туризм, туристк дестинация, стратегик режалаштириш, ахборот, ахборот таъминоти, мониторинг, тизим, муаммолар.

**Аннотация:** Мақолада туризм дестинацияларини стратегик режалаштиришни ишлаб чиқиш ва амалага оширишда хисобга олиниши зарур бўлган муҳим йўналишлардан бири – туризмда стратегик режалаштириш тизимининг ахборот таъминоти эканлиги қараб чиқилган. Шунингдек шаҳарни туристик ривожлантиришни режалаштириш жараёнида энг катта эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим муаммо бу илмий-услубий таъминотни ишлаб чиқиш кераклиги очиб берилган.

## РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В СТРАТЕГИЧЕСКОМ ПЛАНИРОВАНИИ ТУРИСТИЧЕСКИХ ДЕСТИНАЦИЙ

**3.O. Рахимов**

*Доцент*

*Самаркандский институт экономики и сервиса*

*Самарканд, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** туризм, туристская дестинация, стратегическое планирование, информация, информационное обеспечение, мониторинг, система, проблемы.

**Аннотация:** В статье рассмотрено, что одним из важных направлений, которое необходимо учитывать при разработке и реализации стратегического планирования туристических дестинаций, является информационное обеспечение системы стратегического планирования в туризме. Также было выявлено, что еще одним важным вопросом, которому следует уделить наибольшее внимание в процессе планирования туристского развития города, является необходимость развития научно-методического обеспечения.

### КИРИШ

Туризмда стратегияни ишлаб чиқиши ва амалага оширишда ҳамда стратегик режалаштириш тизимиши шакллантиришда ҳисобга олиниши зарур бўлган муҳим йўналишлардан бири – туризмда стратегик режалаштириш тизимининг ахборот таъминоти ҳисобланади.

Стратегик бирламчи мақсадларга эришишда ҳал қилинадиган муаммоларга эришишда ҳал қилинадиган муаммоларга мос аниқ ва ўз вактида тақдим этиладиган ахборотсиз стратегик режани амалга ошириб бўлмайди. Ахборотнинг йўқлиги стратегияни амалага оширишнинг бутун жараёнига заиф бошқарув таъсирининг сабабларидан биридир.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Мазкур тадқиқот доиралари стратегик режалаштиришнинг ахборот таъминотини яратиш билан боғлиқ барча муаммоларни етарли даражада кенг ёритиш имконини бермайди. Энг муҳими сифатида факат бир жиҳатга тўхтalamиз. Таъкидлаш зарурки, стратегик режалаштириш тизимиши ахборот билан таъминлашни ташкил этиш муаммоси стратегик режани мақсад ва тадбирларининг амалага оширилишини мониторинг қилиш тизимиши шакллантириш йўли билан ҳал қилиниши мумкин. Шаҳар туристик мажмуини ривожлантириш стратегик режасини амалага ошириш мониторингини ташкил этиш шаҳарда туризмни мониторинг қилиш ягона тизимиши яратишни рафбатлантириши, бунга туртки бериши мумкин. Бундан ташқари, стратегик режани амалга ошириш мониторингини ўтказиши

умуман шаҳар туристик мажмуи мониторинги йўналишларидан бири сифатида олиб кўрилиши лозим.

Шаҳар туристик мажмуи мониторинг тизимининг ягона тизимини шакллантириш бир қатор изчил хатти-харакатларни тақозо этади. Уларнинг қисқача изчиллигини таърифлаб ўтамиз. Биринчи босқичда туризмдаги мониторингнинг моҳияти ва асосий вазифаларини аниқлаш ва тавсифлаш зарур. Туризмда мониторингни шакллантириш муаммоларининг етарлича илмий ишлаб чиқилмаганлигини ҳисобга олиб, умумий кўринишда туризмдаги мониторинг тармоқнинг ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий жараёнларни кузатиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва башоратлаш тизими сифатида тавсифланиб, унинг бош мақсади туризмни бошқариш субъектларини бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тармоқда юзага келаётган вазият ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан иборат.

Кейинги босқичда мониторингни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини ҳамда унинг тузилишига оид асосий масалалар аниқланиши лозим. Мониторингнинг асосий йўналишлари, бизнингча, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- шаҳар туристик мажмуининг ривожланиш даражасини мониторинги;
- шаҳар худудида мавжуд туристик ресурслар мониторинги;
- туризм корхоналарининг сармоявий жозибадорлиги мониторинги;
- шаҳар туристик мажмуини ривожлантириш стратегик режаси амалга оширилишининг мониторинги.

Мониторингнинг ахборот таъминоти кўрсаткичлари ёрдамида шакллантирилиши лозим – тармоқ корхоналари ишининг асосий жараёнлари ва натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар. Кўрсаткичларнинг танланиши мониторингини ташкил этиш ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши жараённининг асосий қисмларидан бири ҳисбланади, чунки улар асосида тадқиқ этилаётган ижтимоий-иктисодий жараённинг мониторинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилишда муҳим рол ўйнайдиган ахборот модели шакллантирилади. Кўрсаткичлар маънолари йигиндиси қарорнинг у ёки бу вариантини амалга оширишҳолатида кўйилган мақсадга эришиш даражасини баҳолаш имконини беради, яъни унинг самарадорлигини тавсифлайди. Шу сабабли кўрсаткичлар танловига катта эътибор қаратилиши зарур.

Зарурый кўрсаткичларни танлашга турлича ёндашувлар мумкин. Мисол учун, кўрсаткичлар танлови тадқиқчилар томонидан шахсий тажрибалари ва маълум нашрлар таҳлили асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай ёндашув тўла қонуний, аммо, муаммога яхлит қарашини, тадқиқ этилаётган жарён барча хусусиятлари акс эттирилишининг тўлиқлигини, улар муҳимлигининг тўғри ҳисбланишини кафолатламайди, оқибатда,

тавсифланаётган ҳодисага мос ахборот моделини олиш имконини бермайди. Бошқа ёндашув кўрсаткичлар йигиндисини эмас, тизимини шакллантириш эҳтимолидан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар таркибининг тўлик белгиланиши ҳамда улар орасида алоқа ўрнатилишини тақозо қиласди. Ушбу ёндашувдан фойдаланишнинг асосий мураккаблиги тадқик этилаётган ҳодисанинг барча хусусиятларини ва ушбу хусусиятлар кучлилигини ҳисоблаш имконини берувчи кўрсаткичлар йигиндисини аниқлаш зарурати ҳисобланади. У ёки бу ёндашувнинг танланиши қўп жиҳатдан муаммонинг ишлаб чиқилганлик даражаси ҳамда кадрлар малакасига боғлиқдир.

Туризмда мониторинг йўналишларидан бирини, айнан шаҳар туристик мажмуини ривожлантириш стратегик режасининг мониторингини амалага оширишда унинг асосий мақсади режанинг амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади. Мониторинг асосий мақсадининг амалга оширилиши қуйидаги вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади:

- бош мақсадга ва режа мақсадларига эришиш даражасини, мақсадларга эришишга ресурсларни тақсимлаш йўналишларини баҳолаш ёки мақсадларни таҳрир қилиш ҳақидаги қарорни асослаш;
- тадбирлар амалга оширилиши даражасини, уларни аниқлаш ёки таҳрирлаш заруратини баҳолаш;
- ташки мухит омиллари ўзгаришининг шаҳар туристик мажмуи учун стратегик аҳамиятга эга тенденцияларини баҳолаш.

Режанинг бош мақсади амалга оширилишининг натижаларини баҳолашда мониторинг асосига статистик маълумотлар ва саралаб олинган интеграл кўрсаткичлар чекланган сони таҳлили қўйилиши лозим. Режанинг алоҳида тадбирларининг бажарилишини баҳолаш ишларини ўтказишда тадқик этиш ва баҳолашга мансуб асосий унсурлар қуйидагилар ҳисобланади:

- тадбирни вақт бўйича қуйидагилар бўлиши мумкин бўлган асосий босқичлардан илагри сурини: ташкилий асосларни ишлаб чиқиш, бирламчи молиялаш, техник-иқтисодий асослашни тайёрлаш, тендерни ўтказиш, қурилиш, синовдан ўтказиш ва ҳоказолар;
- ҳар бир тадбир бўйича мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилиши даражасини ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган тадбир амалга оширилишининг самараси;
- ишлар режасининг бажарилиши, ўтказилаётган муҳокамалар, жумладан оммавий (матбуот-анжуманлари, мақолалар) сонига кўра ҳамда мавжуд ҳужжатлар таҳлилига кўра баҳоланадиган ишчи гурух натижавийлиги.

Ўтказилган баҳолашлар асосида стратегик режанинг амалга оширилиши тўғрисидаги мақсадли блокни таҳрир қилиш, ўз долзарблигини йўқотган тадбирлардан воз кечиши зарурлиги ва янги тадбирлар кўшишнинг эҳтимоли, бюджетли молиялаш эҳтиёжининг

баҳоланиш ҳақидаги таклифлар ҳамда бюджетни ва сармоя дастурини тақомиллаштириш бўйча таклифлар берилган йиғма ҳисобот тайёрланади. Мониторинг натижалари кенг оммага маълум бўлиши, оммавий ахборот воситаларида ёки интернет тармоғида чоп этилган бўлиши лозим. Ахборот воситаларида ушбу мақсадлар учун алоҳида тадбирлар бўйича сахифалар алоҳида ажратилган сервер ва мониторинг жараёнини амалага ошириш доирасида мунтазам тўлдириб бориладиган маълумотлар компьютер базаси ташкил этилиши мумкин.

## ХУЛОСА

Шаҳарни туристик ривожлантиришни режалаштириш жараёнида энг катта эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим муаммо бу мувофиқ илмий-услубий таъминотни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шунга боғлиқ ҳолда туризмни ривожлантиришни режалаштиришнинг алоҳида жиҳатларини кейинги илмий-услубий ишлаб чиқишнинг асосий унсурини тавсифлаймиз. Хусусан, қўйидаги муаммолар бўйича тадқиқот мажмуини ўтказиш мақсадга мувофиқ:

- туристик саноат корхоналари фаолиятининг натижаларини Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти (БТТ) тавсиялари ва халқаро меъёларга мувофиқ статистик ҳисоб услубларини мослаштириш;
- туристик фаолият статистик ҳисоби кўрсаткичларининг тизимини шакллантириш;
- шаҳар миқёсида туристик соҳани бошқариш тузилмасини тақомиллаштириш;
- шаҳар туристик мажмуини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришишга йўналтирилган дастурлар ва лойиҳаларни танловли саралаш тизими бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- туризмни ривожлантиришнинг мақсадли мажмуали дастурларини шакллантириш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- туризмнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий муҳитга таъсирини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш, баҳолашнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари тизимини шакллантириш;
- шаҳар миқёсида ташрифчиларга туристик хизмат кўрсатиш стандартлари тизимини ишлаб чиқиш ва асослаш;
- шаҳар туристик мажмуининг мониторинги кўрсаткичлари тизимини шакллантириш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Rakhimov, Z. O., Haitboev, R., Ibadullaev, N. E., & Safarov, B. S. (2018). Tour operating. Study guide. Tashkent: "Science and Technology".
2. Raximov, Z. O. (2019). Entrepreneurship in tourism. Study guide. Samarkand: SamISI.

3. Raximov, Z. O. (2021). Socio-economic problems of hotel industry development in the field of tourism. Monograph.-Samarkand: SamISI.-2021.
4. Рахимов З.О., Исмаилов Н.И. Пандемиянинг туризмга таъсири. “Сервис” илмий-амалий журнал махсус сон. – Самарқанд: 2020. 88-90 6.
5. Odilovich, R. Z., & Najmiddin, I. (2021). Problems of Development of Tourism Infrastructure in The Republic Of Uzbekistan After Pandemic. Central asian journal of innovations on tourism management and finance, 2(3), 16-19.
6. Raximov, Z. O., & Ismailov, N. I. (2021). Samarkand tourism destination: status and development. European Scholar Journal (ESJ), 2(2), 62-64.